**Юридик ва жисмоний шахсларни электр тармоқларига улаш бўйича**
**ШАРТНОМА**

**2024 йил 07 – ноябрь** **2333 - сон** **Янгийўл тумани**

"НЕТ"АЖ Toshkent hududiy filiali (кейинги ўринларда "**Пудратчи**" деб юритилади)нинг Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Р.С.Раупходжаев бир тарафдан **«MEGA TRADE LUX» МСHJ** кейинги ўринларда "**Буюртмачи**" деб юритилади) нинг____________асосида фаолият кўрсатувчи
(устав, низом ёки ишончнома)
раҳбари________________________________ иккинчи тарафдан "Буюртмачи"нинг Янгийўл тумани Туябўғиз МФЙ худудида жойлашган **«MEGA TRADE LUX» МСHJ**га қарашли **(кўп қаватли турар уй-жойлар)**ни электр тармоқларига улаш учун мазкур шартномани туздилар.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. **"Пудратчи"** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари ҳамда мазкур шартноманинг шартларига асосан:

- 0,4-6-10 кВ ташқи электр таъминоти лойиҳасини ишлаб чиқиб, ваколатли идоралар билан келишиш, электр таъминоти тармоғини қуриш ва созлаш, шунингдек, "O'zenergoinspeksiya" дан электр таъминоти электр тармоқларига улаш учун рухсатномасини олиш.
- электр таъминоти тармоғини қуриш ва созлаш, шунингдек, "O'zenergoinspeksiya" дан электр таъминоти электр тармоқларига улаш учун рухсатномасини олиш.
- электр таъминотини ишга тушириш учун "O'zenergoinspeksiya" дан рухсатнома олиш талаб этилмайдиган истеъмолчиларга ҳисоб-монтаж схемасини ишлаб чиқиш ишларини **"Буюртмачи"**ни жалб қилмаган ҳолда бажаради.

1.2 **"Буюртмачи"** эса **"Пудратчи"**га ишни бажариш учун шароит яратиб беради ҳамда ишларни қабул қилиб, тўловини амалга оширади.

## II. ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1. Мазкур шартномага асосан "**Пудратчи**" томонидан бажарадиган ишларнинг тахминий миқдори **270 000 000 (икки юз етмиш миллион)** сўмни ташкил қилади.

2.2. Бажарилган ишларнинг аниқ миқдори (суммаси) объектнинг электр таъминоти лойиҳаси тайёр бўлгандан сўнг "**Пудратчи**" томонидан ишлаб чиқилган электр таъминоти лойиҳаси асосида ҳисоб-китоб смета хужжатлари ишлаб чиқилади ва "**Буюртмачи**"нинг объектини қуриш билан боғлиқ бўлган электр таъминоти лойиҳасини қиймати, электр таъминоти тизимини қуриш ва созлаш учун кетадиган сарф харажатларга ойдинлик киритилади ва шартноманинг аниқ баҳоси белгиланади.

2.3 Бажариладиган ишларнинг шартномавий миқдори, ишлар бажарилиш даврида нарх-навога таъсир қилувчи омиллар, қонунчилик ёки норматив хужжатлар асосида бўлиб ўтадиган ўзгаришларга қараб ўзгариши мумкин.

## III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Шартнома бўйича ҳисоб китоблар нақд пул, пластик карточка ёки пул ўтказиш йули билан амалга оширилади.

3.2. **"Буюртмачи" "Пудратчи"**га шартнома умумий суммасининг 70 фоизидан кам бўлмаган миқдорини 5 иш куни ичида амалга оширади.

3.3. **"Буюртмачи"** ва **"Пудратчи"** ўртасидаги шартномада белгиланган тўлов қийматининг 30 фоизи тарафлар ўртасида объектни топшириш-қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида амалга оширилади.



3.4 Тарафларнинг келишувига асосан мазкур шартнома муддатидан олдин бекор қилинганда, **"Пудратчи"** тугалланмаган объектни 5 кун ичида **"Буюрмачи"** бажарилган ишлар қисми буйича тўловни **"Пудратчи"**га 5 иш куни ичида тўлайди.

## IV. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

4.1. **"Буюрмачи"** томонидан олдиндан тўлов амалга оширилиши шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган ишларни бошлашга асос бўлади.

4.2. **"Буюртмачи"**ни электр қурилмаларини электр тармоғига улаш муддати олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб ____ иш кунни ташкил этади.

## V. ҚУРИЛИШИ ЯКУНЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

5.1. Қурилиши якунланган объектни топшириш **"Пудратчи"** томонидан Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 31 августдаги 555-сонли қарори билан тасдиқланган "Юридик ва жисмоний шахсларни электр тармоқларига улаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий Регламенти" асосида амалга оширилади.

5.2. Ишларни кафолат муддати томонлар ўртасида топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзоланган кундан бошлаб 6 (олти) ой этиб белгиланади.

## VI. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. **"Пудратчи"**нинг ҳуқуқлари:

а) шартномада кўзда тутилган бажарилган ишлар учун тўловларни талаб қилиш;

б) электр қурилмаларини тармоққа улаш учун зарур шароитларни яратиб беришни **"Буюртмачи"**дан талаб қилиш;

в) ишларни бажариш жараёнида субпудрат асосида лойиҳалашни, қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш учун ихтисослаштирилган ташкилотларни жалб этиш.

6.2. **"Пудратчи"**нинг мажбуриятлари:

а) **"Буюртмачи"**ни пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома предмети, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

б) ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш;

в) **"Пудратчи"** ўзи ёки субпудратчилар томонидан объектни электр тармоқларига улаш ишларида қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар сифати, лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлаш;

г) **"Буюртмачи"** ва "O'zenergoinspeksiya" дан ҳудудий бўлинмасига объектнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида хабарнома юбориш;

д) объект топширилгандан сўнг 6 (олти) ой муддат ичида бажарилган ишлар бўйича аниқланган нуқсон ва камчиликларни **"Пудратчи"** ҳисобидан 5 иш куни давомида бартараф этиш.

